
Кўрғонча МФИ аҳолисига ичимлик суви график асосида берилмоқда
Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган Риштондан мурожаат: кўрғончаликлар қачон сув
ичади? номли мурожаат юзасидан, "Фарғона сув таъминоти" МЧЖ Риштон тумани бўлими
шуни маълум қиладики, Кўрғонча МФИ ҳудудидаги сув тармоқларини тортиш ишлари
2018 йилда "Обод қишлоқ" давлат дастури асосида амалга оширилган.

Лойиҳа бўйича ҳудудда Ичимлик сув қудуғи қазиш ва ичимлик сув минораси ўрнатилиши режалаштирилган эди, лекин кўп аҳолини норозилиги ва МФИ раислари талаби билан Навбахор бош сув олиш иншоотидан Риштон шаҳрига келувчи магистрал ичимлик сув тармоғига уланиб, ичимлик сувини баҳор-ёз ойларида график асосида берилиши шarti билан 16,5 км ичимлик сув тармоғи тортилган.

Ҳозирги кунда Кўрғонча МФИ аҳолисига ичимлик суви график асосида ҳафтанинг Чоршанба куни соат 9:00 дан Пайшанба куни соат 9:00 гача 24 соат давомида берилмоқда. Бу борада фуқароларга эълон берилган. Бундан ташқари, аҳолига Ташаббусли бюджет лойиҳасига қўйиш учун 2 дона ичимлик сув қудуғи қазиш ва 2 дона сув минораси ўрнатиш таклифи берилган.

2023-05-01 20:05:09